

**THE EFFECT OF FOLK TRADITIONS ON THE FORMATION OF
ANTHROPOONYMS**

Rahmatullaev Sharofiddin

Teacher of the Department of Uzbek Linguistics, Bukhara State University

Annotation

This article provides information about anthroponyms named on the basis of people's motives for naming and people's belief in different views. One can learn about the origin of names and the cultural worldview of a nation.

Аннотация

В данной статье представлены сведения об антропонимах, названных на основе мотивов наименования людей и веры людей в разные взгляды. Можно узнать о происхождении названий и культурном мировоззрении нации.

Аннотация

Мазкур мақолада инсонларнинг исм бериш мотиви ва халқнинг турли қарашларга ишончи асосида номланган антропонимлар ҳақида маълумот берилади. Исмларнинг пайдо бўлиш негизи ва миллатнинг маданий дунёқараси ҳақида билиб олиш мумкин.

Калит сўзлар: Исмб Ақиқа, антропоним, маданият, халқ қарашлари.

Ключевые слова: Исмб Ақиқа, антропонимы, культура, популярные взгляды.

Keywords: Ismb Aqeeqah, anthroponyms, culture, popular views.

Халқимиз азалдан болага исм беришда кўпчилик билан, айниқса, оила бошликлари билан обдон маслаҳатлашиб, катта масъулият бу тадбирни тантанали амалга оширган. Натижада бу жараён тўй тусини олган. Чунки болага муносаб исм топиб қўйиш ота-она олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири саналган. Бу ҳақда оналар алласида алоҳида таъкид ҳам учрайди:

Сенга қўйдим яхши от, алла,

Яхши ниятдур мурод, алла.

Юрту элга суюнсанг, алла,

Сенга бўлгуси қанот, алла. [2, 388]

Қадимги замонлардан бери халқимизда дунёга келган чақалоқнинг исмини қўйишида муайян удумларга, қоидаларга амал қилинади. Чунки қадимги инсонлар ўз исмини танасининг бир қисми деб қараганлиги сабаб одамлар ўртасида исмлар билан боғлиқ табулар, урф-одат ва анъаналар шаклланган. [2, 188-250]. Туғилган болага исм қўйишида

денишмандларга, авлиёларга мурожаат қилинган. Махсус китоблардан фойдаланилган. Бунда, албатта, боланинг қайси сулолага мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши, таваллуд топган вақти, соғломлиги инобатга олинган. Бир сўз билан айтганда, болага исм қўйиш ниҳоятда жиддий ва масъулиятли вазифа сифатида қаралган.

Халқимиз орасида қўпинча туғилган бола Оллоҳ таолонинг марҳаматида бўлсин деган ниятда унга худою пайғамбарларнинг (Акбар, Ғани, Муҳаммад ва ҳоказо сингари) номлари қўйилган.

Марказий Австралия қабилалари ўртасида ҳар бир эркак, аёл, боланинг асосий номи билан бир қаторда яширин номи бўлади. Бунга қадимги инсонларнинг исмлар билан боғлиқ табу ва иримларга ишончи асос саналади. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай қадимий ишонч халқимиз орасида ҳам мавжуд. Масалан, Нигина исми ҳар қандай қизалоққа қўйилавермайди. Бу исмни фақат тасодифан етти ойлик вақтида чала, кичик ҳолда туғилган қизалоқларга қўядилар. Акс ҳолда унинг эгаси ўсмас ё бўйи пастрок, нимжон бўлиб қолади, деб ирим қиладилар.

Халқимиз орасида чақалоқнинг баданидаги белгиларига қараб исм беришга катта эътибор қаратилади. Жумладан, хол билан туғилган болага Холдор, Холниса, танасида бирор ортиқлик аломати, зиёд гўшти ё бези бўлса, масалан, қулоғида ортиқча гўшти ёки қўлида бешдан зиёд бармоқлари бўлган болаларга қиз бўлса – Зиёда, ўғил бўлса – Ортиқ, Ортиқали, Зиёд, Олтивой каби исмлар қўйилади. Туғма суннат бўлган болаларга эса Суннат исми берилади. Она қорнидан йўлдоши билан бирга туғилган ўғил болалар, одатда, Йўлдош деб, қизалоқлар эса Рафиқа деб номланишади.

Қадимги замонларда боласи турмайдиган оналар туғилган чақалоғини бўсағага чиқариб қўйганлар ва ирим билан уни Итолмас деб аташган. Бурнидан нафас олиши қийинлашса, Очил, баданида оқ белгиси бўлса, Оқмамат, Оқ қўзи; парда ичиде туғилса, Пардавой, Пардахол; чақалоқ баданида қизил доғ бўлса, Норқул, Норгул деб исмлар қўйилган.

Боланинг туғилган фасли ёки вақтига қараб, Баҳор, Наврӯз, Жума исмлари қўйилади. Йўлда ёки тўйда, ё бирор байрамда, ҳайитда туғилиб қолган чақалоқларнинг ўз исми бўлади. Бундай болаларга Йўлчи, Тўймурод, Тўйчи, Тўйгул, Байрам, Қурбон, Ҳайитвой, Ҳайитгул каби исмлар қўйилиши одат тусини олган. Боланинг оиласидаги ўрнига қараб Эргаш, Ўғилой, Кўчқор исмлари қўйилади.

Агар болага муносиб исм қўйилмаса, уни ҳатто қўйилган номуносиб исм ўлимга олиб келиши мумкин деб қаралган. Боланинг ўз исмини кўтара олмаганлиги унинг туғилганидан бошлаб тез-тез дардга чалиниб туриши, нимжонлиги мисолида асосланган. Агар бола ўзига қўйилган исмни кўтаролмаяпти деб хисобланса, бунга алоқадор қайта номлаш маросими ўтказилган. Бунинг учун болага атаб у яшайдиган ховли четидан “қабр” үйилган. Фақат бу қабрнинг усти росмана қабрлардан фарқли ўлароқ, ёпиқ бўлади. Унинг фақат бош ва оёқ томонлари ўйиб қазилади. Тепасидан

кўприк шаклида улаб турувчи йўлча қолдирилади. Сўнгра болаларга чироқ ёқувчи маҳсус эмчи (чилтонкаш) момолар болани шу қазилган қабрнинг чап тешигидан солиб, уни қабрнинг ўнг тешиги оғзида турган онасига узатадилар. Бу харакат уч марта такрорланади. Ҳар гал момо болани қабрга солар экан, унинг аввалги исмини айтиб “Солдим-солдим” деса, уни олаётган онаси эса болани янги номи билан атаб, “Олдим-олдим” деб қарсак чалганча болани тортиб олаверади. Шундан сўнг болага Очилой ёки Очилбой каби номлар қўйилади. Халқимиз орасида касал болаларга, етим норасидаларга ёки бирор қусур ё белги билан туғилган гўдакларга алоҳида исмлар қўйиш одати бевосита исмларга алоқадор табулар таъсирида келиб чиқсан ва амал қилган.

Барча халқлар ўртасида кишининг исмини бузиб ёки қисқартириб айтиш билан боғлиқ иримлар ҳам бор. Халқимиз орасида инсонга атаб қўйилган ном бузиб ёки қисқартириб айтилса, исм эгасининг умри ҳам қисқар бўлади, деган қараш бор. Шунинг учун инсон исмини бузиб айтиш унга нисбатан ёмон ният қилишга тенглаштирилган.

Халқ эртакларида қаҳрамонлар асар бошида тўлиқ тасвирланмайди. Уларнинг ўзига хос исмлари ёқ сурат ва сийратларини англатади. Яъни қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси, ижтимоий ҳолати, руҳий дунёси кабилар исм орқали англашилади. Шунга кўра, “Қиличкора” (370-бет) эртагида Юлдузсанар (ўғил бола исми), Дарёбоғлар (ўғил бола исми), Қиличкора антропонимлари касбни ифодаловчи исмлардир.

Хуллас, исм қўйишда муайян анъаналарга, тарихнинг мураккаб синовларидан ўтган удум-одатларга риоя қилиниб келинган. Улар ҳақида билиш ва халқнинг бу борадаги анъаналарини қадрлаш фойдадан холи эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

Фрезер Д.Д. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – Б.188-250.

Шода-шода марварид: Ўзбек халқ қўшиқлари. – Т.: Шарқ, 2006. – Б.388.

“Булбулигуё” Ўзбек халқ эртаклари. Тузувчи – М. Маҳмудов – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.5.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2007. – Б.645.